



## THE CONCEPT OF PARTICIPATION, ITS SIGNS AND SPECIFIC FEATURES

**Usmanov Inomjon Islambaevich**

Student of the 3rd group of the Criminal Law Department of the  
Higher School of Judges under the Supreme Council of Judges

inomjonusmanov50@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14898352>

### ARTICLE INFO

Received: 14<sup>th</sup> February 2025

Accepted: 19<sup>th</sup> February 2025

Online: 20<sup>th</sup> February 2025

### KEYWORDS

*Intellectual, signs, punishment,  
responsibility, crime, two or  
more, person, objective,  
subjective.*

### ABSTRACT

*This article analyzes issues related to the concept of participation, its signs and specific features. In addition, the author also touches upon the objective and subjective signs of participation in the article.*

## ПОНЯТИЕ УЧАСТИЯ, ЕГО ХАРАКТЕРИСТИКИ И ОСОБЕННОСТИ

**Усманов Иномжон Исламбаевич**

При Верховном совете судей. Высшая школа судей по уголовным делам

Студент 3-й группы по направлению «Юриспруденция»

inomjonusmanov50@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14898352>

### ARTICLE INFO

Received: 14<sup>th</sup> February 2025

Accepted: 19<sup>th</sup> February 2025

Online: 20<sup>th</sup> February 2025

### KEYWORDS

*Интеллектуальный, знаки,  
наказание,  
ответственность,  
преступление, двое или  
более, лицо, объективное,  
субъективное.*

### ABSTRACT

*В статье анализируются вопросы, связанные с понятием участия, его особенностями и специфическими аспектами. Кроме того, автор также рассматривает объективные и субъективные характеристики участия.*

## ИШТИРОКЧИЛИК ТУШУНЧАСИ, УНИНГ БЕЛГИЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

**Усманов Иномжон Исламбаевич**

Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги

Судьялар олий мактаби Жиноят ҳуқуқи йўналиши 3-гурӯҳ тингловчиси

inomjonusmanov50@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14898352>

### ARTICLE INFO

Received: 14<sup>th</sup> February 2025

Accepted: 19<sup>th</sup> February 2025

Online: 20<sup>th</sup> February 2025

### ABSTRACT

*Мазкур мақолада иштирокчилик тушунчаси, унинг белгилари ва ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ*



## KEYWORDS

Ақли расо, белгилар, жазо, жавобгарлик, жиноят, икки ёки ундан ортиқ, шахс, объектив, субъектив.

масалалар таҳлил этилган. Бундан ташқари, муаллиф мақолада иштирокчиликнинг объектив ва субъектив белгиларига ҳам тўхталиб ўтади.

Ўзбекистон Республикасида барча соҳаларда туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бундай янгиланишлар бевосита ҳуқуқий демократик давлатни шакллантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада тўлароқ таъминлаш, шунингдек, шахс учун қонунларга риоя қилишнинг ҳуқуқий рағбатлантирувчи тизимини яратишга қаратилган бўлиб, ана шундай ижобий ишлардан бири жиноят қонунчилигини либераллаштириш сиёсати ҳисобланади.

Дарҳақиқат, жамият ҳаётидаги туб ўзгаришлар, кескин бурилишлар одатда жиноятчилик, айниқса, унинг энг хавфли кўринишларининг кўпайишини кўрсатмоқда. Жиноятчилик - доимо ўзгариб турадиган ва ривожланадиган ҳодисадир. Жиноятчиликнинг айрим турлари, гуруҳларига юксак даражадаги жипслик, жиноятчилик ичидаги ва давлат ичидаги вертикал ва горизонтал алоқаларнинг турфунлиги хосдир. Жиноятда иштирокчилик учун жавобгарлик масалалари шулар жумласига киради.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон— 2030” стратегияси тўғрисида 158-сонли Фармонига<sup>1</sup> кўра Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлардаги мақсад, - “Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашни суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг бош мезонига айлантириш” белгиланган.

Дарҳақиқат, ҳозирги даврда, айниқса, жиноятга дахлдорлик учун жавобгарлик масалалари кўпгина давлатларда кенг ёйилган. Мазкур жиноятга қарши кураш муаммолари, иқтисодий-сиёсий, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш даврида долзарб аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мазкур жиноятнинг оқибатларни холис баҳолаш, шахсни, иқтисодий ва давлатни ушбу жиноий таъсирдан ҳимоя қилиш учун махсус чоратадбирларни ишлаб чиқиш зарурати тобора равшан бўлиб бормоқда. Бунинг аҳамияти шундан иборатки, амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамай, мамлакатда давом этаётган салбий ҳодисалар таъсири остида жиноятда иштирокчилик учун жавобгарлик масалаларини ҳал этиш бир қанча муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Буни биз нафақат ушбу турдаги жиноятлар латентлик даражасининг ошиб бораётганлигидан далолат беради, балки айбдорларнинг одил судлов органларидан яшириниши ва уларга нисбатан қонунда белгиланган таъсир чоралари қўлланилмаётганлигини ҳам кўрсатади. Жиноятда иштирокчилик ва дахлдорлик билан боғлиқ жиноятларнинг латентлиги юқори эканлиги бошқа жиноятлар ва уларни содир этган шахсларнинг фош этилишини ҳам мураккаблаштиради. Бошқача айтганда, бошқа

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2023 йил 11 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон— 2030» стратегияси тўғрисида 158-сонли Фармони, <https://lex.uz/uz/docs/6600413>



жиноятларни очиш ва ўз вақтида судга юборишнинг асосий омиллари кўп жиҳатдан жиноятга дахлдор шахсларнинг хулқ-атвори ва уларнинг хатти-ҳаракатига боғлиқ бўлади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонидан келиб чиқиб, “Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясининг 16-мақсади жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш<sup>2</sup>дан иборат бўлиб, бу ҳам ўз навбатида иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлаш масалалари такомиллаштириш масалаларига бағишлангандир.

Шу ўринда айтиш мумкинки, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ўз навбатида жиноят қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштиришга қаратилган бир қанча вазифаларни амалга оширишни ҳам тақозо этади. Бу вазифалар қаторига жиноят қонунчилигида белгиланган иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлаш масалалари юзасидан тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Бугунги кунда мазкур жиноятнинг оқибатларни холис баҳолаш, шахсни, иқтисодий ва давлатни ушбу жиноий таъсирдан ҳимоя қилиш учун махсус чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарурати тобора равшан бўлиб бормоқда. Бунинг аҳамияти шундан иборатки, амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамай, мамлакатда давом этаётган салбий ҳодисалар таъсири остида жиноятда иштирокчилик учун жавобгарлик масалларини ҳал этиш бир қанча муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Маълумки, жиноятчилик ижтимоий ҳодиса сифатида инсониятни ҳар доим қизиқтириб ва уни олдини олишга қарши курашиб келган. Ана шундай жиноятлардан энг хавфлиси иштирокчиликда жиноят содир қилиш ҳисобланади.

Бу борада суд тергов фаолиятини ўрганиш шуни кўрсатадики, кўпчилик жиноятлар иштирокчиликда, бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилади. Шубҳасиз иштирокчиликда фаолият юритаётган бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлиги юқоридир, чунки бир киши томонидан содир этилган ҳаракатлардан кўра, бир гуруҳ шахслар томонидан қилинган жиноят ижтимоий муносабатларга кўпроқ зарар етказиши мумкин.

Жиноят ҳуқуқида жиноят субъекти хусусида сўз юритилганида иштирокчилик институти, хусусан иштирокчиларнинг турлари (масалан, бажарувчи) ҳам назарда тутилади. Жумладан, Жиноят кодексининг 27-моддасида жиноятда иштирокчилик тушунчаси мустаҳкамланган. Унга кўра икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг қасддан жиноят содир этишида биргалашиб қатнашиши иштирокчилик<sup>3</sup>, деб топилади.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. <https://lex.uz/>

<sup>3</sup> М.Усмоналиев. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). – Т. “Насаф”. 2010. – Б. 274.



Иштирокчилик тушунчаси МДХ давлатларида турлича берилган ҳамда бу тушунчага Беларусь, РФ, Тожикистон ва бошқа республикалар жиноят қонунчилигида алоҳида боб ажратилган<sup>4</sup>.

Иштирокчиликда содир этилган жиноятларнинг бир қатор ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, у ёки бу жиноятни квалификация қилишда нафақат қилмишнинг иштирокчиликда содир этилиши, балки, қонунийлик ва адолатлилик принципларига асосланган ҳолда иштирокчиликнинг аниқ белгилари ва шаклларига эътибор бериш лозим.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28-моддасига кўра, жиноятни бевосита тўла ёки қисман содир этган ёхуд ЖКга мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслардан ёки бошқа воситалардан фойдаланиб, жиноят содир этган шахс бажарувчи деб топилади. Бундан кўришиб турибдики, амалиётда, юқорида келтирилган ҳолатда жиноят содир этган шахс ЖК Махсус қисми нормасининг иштирокчиликда жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган қисми билан жавобгарликка тортилади.

Бизнингча, қилмишни бундай квалификация қилиш ижтимоий адолат принциплари ва ЖКнинг одиллик тамойилига зид ҳисобланади. Қолаверса, аксарият МДХ давлатлари жиноят қонунчилигида иштирокчилик тушунчасига икки ёки ундан ортиқ *ақли расо, жиноят субъекти ёшига етган жисмоний шахснинг* қасддан жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши, деб таъриф берилган.

Шунга кўра ЖКнинг 27-моддаси биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда ўзгартирилиши мақсадга мувофиқ:

*“Икки ёки ундан ортиқ ақли расо, жиноят субъекти ёшига етган жисмоний шахснинг қасддан жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши иштирокчилик деб топилади”.*

Бундан ташқари, Молдова Республикаси Жиноят кодексининг 44-моддасида оддий иштирокчилик жиноят объектив томонини икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан биргаликда амалга оширилиши сифатида белгиланган. Бизнингча ҳам шундай. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 29-моддасида назарда тутилган оддий иштирокчилик жиноятларни квалификация қилишда бирмунча мураккаблик келтириб чиқаради. Амалиётда эса иштирокчиликда содир этилган жиноятларни квалификация қилишда қилмишнинг оддий ёки мураккаб иштирокчиликда содир этилганлиги аҳамият касб этмайди. Шунга кўра ЖК 29-моддасининг иккинчи қисмини қуйидаги таҳрирда ўзгартириш жиноят содир этган шахсларнинг индивидуал жавобгарлигини белгилашда, хусусан оддий иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлашнинг либераллашишига хизмат қилади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинмаган қилмишни содир этган шахс эксцесс иштирокчи деб топиллиши, шунингдек, эксцесс иштирокчи томонидан содир этилган бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинмаган қилмиш учун унинг ўзи жавобгар бўлиши

<sup>4</sup> Ковалев М. И. Соучастие в преступление. – М.: ИНФРА-НОРМА, 2012. С.56.



тушунтирилса-да, бироқ мазкур қоида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида ўз аксини топмаган.

Мазкур қоида айрим МДХ давлатлари, хусусан, РФ (36-м.), Қозоғистон (30-м.), Молдова (48-м.), Озарбайжон (35-м.), Грузия (26-м.) ва Арманистон (40-м.) Республикалари Жиноят кодексларида ўз аксини топган.

Иштирокчилик билан содир қилинган жиноятлар энг хавфли ва оғир жиноятлар ҳисобланади. Суд-тергов фаолиятини ўрганиб чиқар эканмиз, кўпчилик жиноятлар бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилишини гувоҳи бўламиз.

Иштирокчилик орқасидан содир қилинаётган жиноят муқаррар объектив ва субъектив белгиларнинг мажмуида изоҳланиб, биз юқорида бериб ўтган “иштирокчилик” тушунчасининг мазмунини очиб беради.

Объектив белгиларига:

- 1) жиноят содир қилишда икки ёки ундан ортиқ шахснинг иштироки;
- 2) жиноят содир этишда гуруҳ аъзолари биргаликда ҳаракат қилишидир.

Иштирокчилик орқасидан жиноят содир қилишда икки ёки ундан ортиқ шахснинг қатнашиши сон жиҳатидан муҳим белгиб бўлиб ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида жиноят иштирокчилиқда содир этилганда иштирокчиларнинг барчаси жиноят ёшига етган ва ақли расо шахслар бўлиши лозим.

Аксарият ҳолларда иштирокчилик орқасидан содир қилинаётган жиноятларда гуруҳ аъзолари ақли расо ва вояга етмаган шахсларни жалб қилишади. Бундай ҳолатларда, уюшган гуруҳ аъзолари қилган жиноятлари билан бир қаторда вояга етмаган шахсни жиноятга жалб қилганлик учун жиноий жавобгарликка тортиладилар. Бундан ташқари иштирокчиликда содир қилинаётган жиноятларда иштирокчиларнинг ҳаракати ҳам муҳимдир.

Демак, иштирокчиликда жиноят содир қилинган деб топилиш учун ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатлар икки ёки ундан ортиқ шахс томонидан биргаликда қасддан содир қилинган бўлиши керак. Биргаликдаги ҳаракатда эса, иштирокчи шахсларнинг жиноий ҳаракати биргаликда бўлади. Жиноятни биргаликда содир қилишда бир иштирокчининг ҳаракати иккинчисиники билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Иштирокчилик томонидан содир қилинган жиноятда биргаликдаги ҳаракат муҳимдир. Иштирокчилик томонидан содир қилинган жиноятда ҳар бир иштирокчи, ўзининг тегишли вазифасини бажариши лозим. Яъни бири уюштиради, бири гуруҳ тузади, бошқаси маълумот йиғади, яна бири жиноятга тайёргарлик кўради, бажарувчи эса ушбу жиноятни бажаради.

Субъектив белгиси бу, иштирокчилик томонидан содир қилинган жиноят қасддан бажарилиши, яъни иштирокчилар ўзаро бирлашиб қилаётган ижтимоий хавфли ҳаракатларидан қандай зарарли оқибат келиб чиқиши мумкинлигини илгаридан билган ва шуни истаган ёки истамаган бўлсаларда, унга онгли равишда йўл қўйган бўлишлари керак. Иштирокчилардан бири тўғри қасд билан бири эгри қасд билан жиноят содир қилишлари мумкин.

Жиноятнинг ҳар бир иштирокчиси ўз ҳаракатини характериғина эмас, балки бошқа иштирокчилар ҳаракатининг характериғини ҳам англаши лозим ва бу ўз навбатда бундай жиноятларни қасддан бажаришнинг ўзига хос хусусиятини ифода этади. Бундай



ҳаракатда иштирокчиларнинг ҳар бири ҳар хил мақсадда ўз қабиҳ ниятларини амалга оширишлари мумкин. Масалан, одам ўлдиришда бажарувчи тамагирлик мақсадини кўзда тутса, далолатчи ўч олиш ёки рашк ёхуд бошқа мақсадларни кўзлаши мумкин.

Иштирокчилик қасддан қилинган жиноят ҳисобланиб, жиноятни содир қилишда онгли равишда бирлашиб жиноий мақсадига эришиш учун ҳаракат қилади. Шунинг учун ақли норасо ёки маълум ёшга етмаган шахслар жиноятда иштирокчи бўла олмайдилар.

Шундай қилиб, иштирокчиликда субъектив томоннинг мавжуд бўлиши учун иштирокчиликнинг қасди зарур бўлиб, унга;

биринчидан, иштирокчиларнинг ҳар бири ёки баъзиларининг жиноий фаолияти хусуситидан ўзаро хабардорлиги;

иккинчидан, ҳар бир иштирокчининг бошқалар билан биргаликда жиноят содир этишини ёки жиноий фаолият билан шуғулланишини ёки унга ёрдам беришининг англаб етиши;

учинчидан, умумий жиноий оқибатининг келиб чиқишини исташи ёки унга онгли равишда йўл қўйиши тааллуқлидир.

Эҳтиётсизлик натижасида содир этилган жиноятларда иштирокчилик бўлмайди.

## References:

1. Ахроров Б. Д. Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари. – Т.: 2008. – 40 б.
2. Баранов В.М., Кузнецов А. П., Изосимов С.В., Бокова И.Н., Кондаков Д.С. Примечания в российском праве // Монография. – Н. Новгород, 2005. -195 с.
3. Блум М. Ответственность за укрывательство и недонесение по уголовным кодексам союзных Республики. – Рига, 1962. – 85 с.
4. Бугаев В. А. Проблемы соучастия в современном уголовном праве. Учебное пособие. – Симферополь, 2004. – 35 с.
5. Бушуев И. А. Ответственность за укрывательство преступлений и доноительство. – М.: 1965. – 140 с.
6. Виттенберг Г. Б., Панченко П. Н. Прикосновенности к преступлению по соуткому уголовному праву. Иркутск, 1976. – 50 с.
7. Гаухман Л. Д. Квалификация преступлений: закон, теория, практика. – М.: АО «Центр ЮрИнфор», 2005. – 233 с.
8. Горелик А. С. Конкуренция уголовно-правовых норм. Учеб. пособие. – Красноярск, 1998. – 112 с.
9. Горлик А. С., Лобанова Л. В. Преступления против правосудия // Монография. – СПб.: 2005. – 318 с.
10. Гулямов З. Х. Уголовная ответственность за несообщение о преступлении или его укрывательство. – Т.: «Академия МВД республики Узбекистан», 1997. – 54 с.